2

2015 ЙИЛ 6 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 28 (12.841)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини, «электрон ҳукумат» тизими ҳамда ахборот тизимларини жадал татбиқ этиш, телекоммуникация инфратузилмасини ва маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг барча мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида, «электрон ҳукумат»ни жорий этишда ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ахборот технологияларини ривожлантиришнинг жаҳон даражасидан келиб чиққан ҳолда миллий ахборот-коммуникация тизимини татбиқ этиш ва ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, шу жумладан, Интернет тармоғига кенг полосали уланишни кенгайтириш, телефон алоқаси, телевидение ва радиоэшиттиришнинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтишни таъминлаш, **алоқа ва телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни, шунингдек, радиочастотали спектрдан фойдаланишни давлат йўли билан бошқариш, лицензиялаш ва назорат қилиш борасидаги функцияларни амалга ошириш;**

«электрон ҳукумат»ни татбиқ этиш, вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборотлаштириш ва интерактив давлат хизматларини такомиллаштириш борасидаги фаолиятини идоралараро мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш, баҳолаш ва назорат қилиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, давлат ахборот ресурслари ҳамда маълумот базаларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишнинг ягона тизимини вужудга келтириш, идоралараро ахборот тизимларини яратиш ва бошқариш;

Интернет тармоғининг миллий сегменти янада шакллантирилишини таъминлаш, мамлакатимизнинг турли йўналишлардаги замонавий веб-ресурсларини, шу жумладан, аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида тармоқ ресурсларини ривожлантириш учун зарур техник ва қулай шарт-шароитларни яратиш;

рақобатдош дастурий маҳсулотларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ва ички бозорини ҳамда уларга кўрсатиладиган хизматларни ривожлантиришга кўмаклашиш ва унинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида ва истеъмолчиларда замонавий дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини жорий этиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва коммуникация тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантириш;

замонавий коммуникация воситалари соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларида шундай ишларни ташкил этиш;

алоқа, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, устувор лойиҳаларни амалга ошириш, радиочастоталик спектрдан самарали фойдаланиш учун ҳамда вазирлик фаолияти доирасига кирувчи бошқа йўналишлар бўйича хорижий инвестицияларни жалб этиш.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича комплекс дастурларнинг ўз вақтида ва тўла-тўкис амалга оширилиши, «электрон ҳукумат» хизматлари ва ахборот тизимлари жорий этилиши учун шахсан жавобгар бўладилар;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерактив давлат хизматлари татбиқ этилиши даражаси, самарадорлиги ва сифатига баҳо бериш натижалари **вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, йирик корхоналар ва бирлашмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эгаллаб турган лавозимларига муносиб эканликларини кўриб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.**

4. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, 4, 5 ва 8-бандлари бундан мустасно.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 4 февраль

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислом Исмоилов олган сурат

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсгани таъкидланди. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди.

Иқтисодиётнинг ушбу соҳасини жадал ривожлантириш мақсадида қулай шароит, имтиёз ва преференциялар яратилиб, тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолияти айнан шунга қаратилган. Савдо-саноат палатаси таркибида 14 ҳудудий бошқарма, 127 ахборот-маслаҳат ва бизнес маркази, 14 ҳакамлик суди, 3 тренинг-ресурс маркази ва 21 унитар корхона бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу эса тадбиркорларнинг ишончини ошириб, тадбиркорлик субъектларининг давлат билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда Савдо-саноат палатаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қулай шароитлар яратиш, ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ёш авлод вакилларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган қатор лойиҳалар йўлга қўйилган.

Палата ҳузуридаги ҳудудий бошқармалар, ахборот-маслаҳат ва бизнес марказлари ходимлари жойларда тадбиркорлик субъектларига бизнесни йўлга қўйиш ва ривожлантириш масалаларида кўмак бермоқда. Улар бизнес режа ва таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, мини-технология ва ускуналар харид қилиш, бизнес ҳамкорлар топиш борасида ёрдам кўрсатиб, суғурта, солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоботларини юритишда маслаҳат беради. Шунингдек, ҳуқуқий таъминот ва экспертизани амалга оширмоқда. Бундан ташқари, Савдо-саноат палатаси мутахассислари турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган режали ва режадан ташқари текширувларда иштирок этиб, уларнинг асосли ва ҳаққонийлигини баҳолаши мумкин. Чунончи, ўтган йили Савдо-саноат палатаси мутахассислари хўжалик юритувчи субъектларнинг 1,4 мингдан зиёд текширувида иштирок этди. Бунинг самарасида 26 ноқонуний текширувнинг олди олиниб, юқори органларга бешта маълумотнома ва судга иккита даъво аризаси киритилди.

Палата томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ишлар доирасида даъво аризаларини тайёрлаш ва расмийлаштиришга кўмак берилмоқда. Ўтган йили Савдо-саноат палатаси аъзолари томонидан судларга 54 мингдан ортиқ даъво аризаси киритилиб, унинг 46 мингдан зиёди қаноатлантирилди. 872 масала судга қадар ҳал этилди.

«Давлат ва хусусий шерикликни ривожлантириш» дастури доирасида олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Бу ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга ёрдам бераётир. Ушбу йўналишда тўртта лойиҳа йўлга қўйилди ва танловлар таъсис этилди. Барча вилоятлардан 22 мингдан зиёд касб-ҳунар коллежи битирувчиси «Менинг бизнес ғоям» танловида иштирок этди. Бизнес ғояси истиқболли бўлган 100 дан зиёд иштирокчига жами 1,5 миллиард сўмлик банк кредитларини олиш учун сертификатлар берилди. Ёш авлод вакилларини рағбатлантириш борасида «Ёш тадбиркор», «Ёш тадбиркор – элга мададкор», «Бир тадбиркор – уч ҳамкор» каби танловлар ўтказиб келинмоқда.

Айни пайтда Савдо-саноат палатаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматлар турини янада кенгайтириш борасида иш олиб бормоқда. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, судлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Ҳ.Ҳалимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими яратилганини таъкидлади. Бу борада кейинги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этаётир.

Жамиятда ижтимоий шериклик принциплари асосида фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамлангани инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ривожига шароит яратди. Жумладан, бу Омбудсман фаолиятида ҳам ўз аксини топди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг фуқаролар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш фаолияти устидан парламент назорати кучайтирилгани Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти самарадорлигининг ошишида ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқлари мониторингини ўтказиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича ахборот-маърифий ишларни олиб бориш, фуқаролар мурожаатлари асосида уларнинг манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Соҳага оид қонун ҳужжатлари нормалари бузилишининг олдини олиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик янада кенгайтирилди. Одил судловни амалга оширишни яхшилаш, суд мустақиллигини мустаҳкамлашга оид кенг миқёсдаги тадбирлар амалга оширилди.

Ўтган йили фуқаролардан 12 мингга яқин мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг барчаси тегишли тартибда кўриб чиқилди. Натижада кўпчилик фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Бу жараёнда инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқлари ҳимоясига устувор аҳамият берилди. Чунки таҳлиллар айрим давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг фуқаролар ҳуқуқлари таъминланишига риоя этмаётганини кўрсатмоқда. Уларни ҳал этиш асносида бир қатор ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни аниқлаш ва ечимини топиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда)

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг дастлабки гуруҳини кузатиш маросими бўлиб ўтди. Ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг ушбу дастлабки гуруҳи мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти мактабида ҳайдовчилик, чавандозлик каби ҳарбий касблар бўйича ўқув курсларини битирган йигитлардир. Тадбирда ҳарбий хизматга чақирилган йигитларга вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

● Термизда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг VII қурултойига делегатлар сайланди.

● Навоийда буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллигига бағишлаб «Алишер Навоий маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти» мавзусида анъанавий республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Япониянинг Сикоку ороли қирғоқларида 5,0 магнитудали зилзила содир бўлди. Ҳозирча вайронагарчиликлар ва жабрланганлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

● Кеча номаълум кимса АҚШнинг Жанубий Каролина штатидаги университетнинг ўқув корпусларидан бирида отишма содир этган. Ҳозирги пайтда полиция томонидан ушбу жиноятчи изланмоқда, вазият ўрнига тушгунига қадар талабаларга ўқув биноларидан чиқиш тақиқланган. Бу ерда полициянинг махсус бўлинмаси ходимлари навбатчилик қилмоқдалар.

Япониянинг «BS-Asahi» телеканали «Ima Sekai wa» («Бугунги дунё») дастури доирасида Ўзбекистонга бағишланган кўрсатувни эфирга узатди. Унда мамлакатимизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти, юртимиздаги тарихий шаҳарлар, ўзбек халқининг бой маданий мероси сингари мавзулар қамраб олингани баробарида, Ўзбекистон — Япония муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари хусусида ҳам фикр юритилди.

«BS-ASAHI» ТЕЛЕКАНАЛИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ВА САЙЁҲЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Қайд этилганидек, Ўзбекистон макроиқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини намойиш этмоқдаки, бу унинг жадал ривожланаётган давлатлар қаторидан жой олишини таъминламоқда.

«Республикада катта демографик салоҳият мавжуд бўлиб, унинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Мамлакат бой табиий ресурсларга ҳам эга. Ана шундай омиллар ва чуқур ўйланган ривожлантириш стратегияси туфайли мустақиллик қўлга киритилганидан буён республикада барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт таъминланаяпти. Токиодан Тошкентга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг тўғридан-тўғри ҳаво қатнови йўлга қўйилган. Ҳозирги пайтда бир ҳафтада иккита парвоз амалга оширилмоқда», деди япон журналисти.

Сўнгра телеканал мамлакатимизнинг сайёҳлик имкониятлари ҳақидаги маълумотларни ўз томошабинлари эътиборига ҳавола қилди. Таъкидланганидек, дунё сайёҳлари Ўзбекистонга катта эътибор билан қарамоқда. Жаҳон сайёҳлик бозорида республикамизнинг нуфузи тобора ортиб бораётгани хусусида тўхталар экан, «BS-Asahi» кейинги йилларда Ўзбекистонга ташриф буюраётган сайёҳлар сони 7 баробар кўпайганини алоҳида эътироф этди. «Мамлакатга келган сайёҳлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари афсонавий шаҳарларда жойлашган меъморий ёдгорликлардан ҳайратга тушадилар. Мазкур тарихий обидаларнинг аксарияти ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган», деди япон журналисти.

Кўрсатувда Тошкент телеминораси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Самарқанддаги Бибихоним обидаси, Бухородаги Минораи Калон, Хиванинг Ичан-Қалъаси ҳақида атрофлича сўз борди. Алоҳида қайд этилганидек, ана шундай осори атиқалар сайёҳлар ва меъморий гўзаллик шайдоларида унутилмас таассуротлар қолдирмоқда.

Юқоридагилардан ташқари, япон экспертлари билан уюштирилган интервьюлар ҳам мазкур кўрсатувдан жой олди. Улар юксак иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон Япония учун Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим мамлакат эканлигини таъкидлашди. Маълум қилинганидек, республикада ҳар томонлама ривожланган, баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилаяпти. Бугунги кунда ўзбек ёшлари хорижий тилларни, жумладан, япон тилини ҳам фаоллик билан ўрганмоқда.

Ушбу кўрсатув намойиши япон томошабинлари орасида мамлакатимизга нисбатан қизиқишни янада кучайтирди.

«Жаҳон» АА.
Токио

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинаётган қонунларни такомиллаштиришда ҳам Омбудсман фаол иштирок этди. Ўтган йилда тизимда 15 дан ортиқ қонун лойиҳаси халқаро андозаларга мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида бола ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳолати ҳақида ахборотлар йиғилиб, умумлаштириб борилди. Хусусан, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ижроси доирасида ўтказилган мониторинг натижалари бўйича таҳлилий маъруза тайёрланди. Унда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритишда бола ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари бажарилиши билан боғлиқ маълумотлар жамланиб, тегишли органларга тақдим этилди.

Йиғилишда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда институт олдида турган долзарб вазифалар, инсон манфаатларини таъминлашда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, ахборот-маърифий ишларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Давлат солиқ қўмитаси томонидан замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида жорий йилдан бошлаб солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни банкка бормасдан «Click» ва «Mbank» тўлов тизимлари ёрдамида мобиль телефон ёки интернет орқали онлайн режимида тўлаш имконияти яратилди.

СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Ушбу тўлов тизимларидан фойдаланиш фуқаролар учун бепул ва амалга оширилган тўловлар учун комиссион тўлов олинмайди. Шунингдек, тўланган солиқлар ҳақидаги маълумотлар солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига автоматик равишда қайд қилинади.

Ўзбекистон Республикасидаги барча тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган «Online-UZCARD» пластик карталарини сақловчилар картага хизмат кўрсатувчи банкда ёки хоҳлаган банкомат ҳамда инфокиоскда «UZCARD» СМС-хабарнома хизматини ўз мобиль телефонларига улатишлари мумкин. Шундан кейин қуйидаги бепул USSD сўровини СМС-хабарнома уланган мобиль телефонидан юбориш орқали «Online-UZCARD» пластик картани тизимга улаш лозим бўлади. *880*0*карта рақами* амал қилиш муддати#, бунда, карта рақами — бу пластик картанинг рақами (картанинг ўзида кўрсатилган) (16 та рақамдан иборат). Амал қилиш муддати — картанинг амал қилиш муддати тугайдиган сана (картада кўрсатилган — 4 та рақамдан иборат, масалан 1216). Ундан кейин, «PIN-kod» ўрнатиш лозим. Ушбу код келгусида пластик картадан амалга ошириладиган тўловларни тасдиқлаш учун керак бўлади.

«Туркистон-пресс»

9 февраль — Алишер Навоий таваллуди куни



Навоий ғазалларида қўлланган турли тарихий, бадиий, рамзий-мажозий образлар, тимсоллар шоирнинг ўзига хос бетакрор шахсияти, кучли мушоҳада ва муҳокама қуввати, ижтимоий қарашлари ҳамда поэтик маҳоратидан дарак беради. Жумладан, тоғ образини шоир анъанавий макон, манзил, мақсад, улуғлик, виқор, сокинлик ва пейзаж маъноларидан ташқари чидамлилик юки, юксак қадр, бошпана, такъягоҳ, лаъл кони маъноларида ҳам моҳирлик билан қўллаган, у асосида бетакрор образли ифодалар яратган.

МУШОҲАДА ВА МАҲОРАТ МУЖАССАМ

Ҳатто баъзи достонлари сюжетини, образларини ғазаллари таркибига боғлашда ҳам қисман тоғ образидан фойдаланган. Масалан, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларининг воқеалари, бош қаҳрамонларининг руҳий ҳолатларини ғазалнинг шакли ва мазмунига мос тарзда боғлаб, ўзига хос тасвирлар топа билган, Бесутун тоғи, бало тоғи, ғам тоғи тимсоллари воситасида бадиий, лирик «кўчирма»лар ҳосил қилган.

Тоғ тимсоли, тасвири асосида шоир «ишқ мулки», «васл мулки» билан боғлиқ ишқ-муҳаббат, ҳижрон, айрилиқ мотивларини, васл шартларини янада ишончли ва ҳаётий тасвирлаб берган. Масалан, «Наводир уш-шабоб»даги 9 байтли «мени» радифли ғазалида бунинг гўзал ифодаси учрайди:

Дард тоғи-ю бало даштида кўрким, қилмиш
Ишқ Фарҳод ила Мажнунға намудор мени.

Тоғ образи ёрдамида Навоий ўзини бир тасвирда ишқ бобида, садоқатда, сабру бардошда, вафода, ҳижронда Фарҳод, Мажнун каби ишқ мулкининг, васл мулкининг мулкдори деб топади. Бошқа бир тасвирда эса шоир ишқ дарсини Фарҳод ва Мажнундан олганман каби икрорини ҳам тоғ образи воситасида кўрсатади, уларга ўзини маънан ворис деб билади, ҳатто ўзини улар қаторида туришга ҳақли деб ҳисоблайди. Бағрим оғриганидан улар менинг ҳолимга, гоҳо эса мен уларнинг аҳволига зор-зор йиғлайман сингари руҳий ҳолатларни, кузатишларни ифодалайди, «Мени ҳам улар орасидан – саҳройи балодан», «водийи ҳижрондан», «бало даштидан», энг муҳими «ғам тоғидан» излангиз, деб мурожаат этади. Чунки у тоғ образини айнан ўз тақдири билан ҳам боғлашга ҳаракат қилиб, ўз руҳиятининг олдинга қараб интилишини бошқаларга намуна қилиб кўрсатгандек бўлади.

Шоирнинг маҳорати шундаки, баъзи ғазалларининг мақтасида бу образдан санъаткорона фойдаланган. Фарҳод теша ёки чўкич билан қазиган тоғларни Навоий баъзан кўнгли билан, тирноғи билан қазиганини айтиб, тоғу тошларни юмшатиб кўрсатади ва литота санъатини яратади. Масалан, «Бадоеъ ул-васат» девонидаги 9 байтли бир ғазалнинг мақтасида шундай тасвирларни ўқиймиз:

Эй Навоий, телба кўнглум дарду ғам тоғин қозар,
Кўрсанг аҳволим дегил Мажнун сифат Фарҳодима.

Алишер Навоий ғазалларида ўзининг гўзал туйғуларини, қадр-қимматли фазилатларини, ишқ билан боғлиқ кечинмаларини, умумбашарий ғояларини, шахсий-ижтимоий муаммоларини, муаммо ва қийинчиликлар инсон ҳаётида табиий мавжудлигини, улар инсон учун бир вазифа эканлигини, куч-қувват борида ўз ечимини топишини тоғ образида ҳаётий, бадиий, поэтик жиҳатдан асослаб, ёритиб бера олган.

Навоий ғазалларидаги тоғ образларини тарихий-қиёсий аспектда ўрганиш учун Лутфий, Жомий, Бобур, Фузулий девонларидаги ғазаллар билан таништиб чиқдик, уларни бир-бирига чоғиштириб, қиёслашга ҳаракат қилдик ва тоғ образини қўллашда, тоғ билан боғлиқ ибораларни изофалар ишлатишда Навоийнинг Лутфий, Жомий каби устозларидан, Бобур, Фузулий сингари издошларидан анча сермаҳсуллиги ва маҳорати юксаклигини пайқадик.

Масалан, Лутфийнинг «Нортек яноқларингки, Фирдавс боғидур» мисраси билан бошланувчи 6 байтли ғазалнинг мақтасида ҳажр юкидан бот-бот озор чеккан шоирнинг ҳадик аралаш нолаю илтижоси шундай берилади:

Лутфийға ҳажр юкини қилма ҳаволаким,
Андин қил учи минг Уҳуду Қоф тоғидур.

Навоий Уҳуд тоғи билан боғлиқ тасвирни «Хазойин ул-маоний»нинг «Наводир уш-шабоб» девонидаги «Соқиё, йўқ ғаму дардима ҳадде» мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазалида моҳирлик билан қўллаган:

Меҳнатим тоғича йўқтур Уҳуде,
Ани тортарға менингдек аҳаде.

Ушбу байтда инсонларга Навоийнинг юракдан чиқариб айтадиган маслаҳати мужассамлашган, чунки меҳнат тоғини тортадиган кимса шоирнинг ўзидир, Навоий назарида бирор кимса ўзи сабаб топган меҳнат тоғини ўзидек, ўзи истагандек торта олмайди. Шу билан бирга асосий гап меҳнат тоғида қолишда эмас, гап сабабини топиб меҳнат тоғини тортиб кетишда, нуқсонлардан, маломатлардан саломат чиқишда деган шоирнинг ҳаётий тажрибаси асосига қурилган хулосаси олға сурилади.

Қоф тоғи Лутфий, Жомий, Фузулий ғазалларида тасвир этилса-да, Навоий «Ғаройиб ус-сиғар»девонидаги «бор» радифли машҳур 9 байтли ғазалида ўзидаги саботни, барқарорлик, маҳкам туришлик фазилатини, ҳолатини Қоф тоғи билан қиёслайди:

Тилар кўнглум қуши Анқодин ўтсам, нори юз водий,
Мунунгдек сайр этарга Қофдин ортуқ саботим бор.

Бир томондан, «Қофдан ортуқ» дея бадиий маҳорат белгиси саналган сифатлаш ва муболағa билан тавсифланса, иккинчи томондан эса ижодкор ва давлат арбоби сифатидаги сермашаққат фаолияти билан характерланади. Давлат арбобларига, умуман, илғор кишиларга хос муҳим хислатлардан бири саботга лексик урғу беради, «саботим бор» дея фахрланади, ўзига ишонади, ўзгаларни ҳам ишонтиради. Улуғ шоирнинг ниятига янада ҳурмат, ишонч билан ҳаяжонли таассуротлар фонида назар ташлар эканмиз, бизга у бир фалсафий жумбоқни тушунтиргандекдек бўлади, биринчидан, иймоннинг икки томони бўлган сабр ҳамда шукрни англатишидир, иккинчидан эса ҳар бир иймонли инсонда сабот ҳам бўлиши шарт эканлигининг поэтик ифодаланишидир. Навоийдаги сабот ҳайратланарли, Қоф тоғидан ҳам ортиқ сабот. Шу саботлар шоирга улуғлик, эзгулик келтирган бўлса, гўзал асарлар ёзишга ундаган бўлса не ажаб. Демак, мутафаккир шоирнинг ушбу байти билан яқиндан танишган ҳар бир инсон ўзидаги сабрни, шукрни ҳис қилиши билан бирга ўзидаги саботини ҳам англаб етмоғи, ҳамиша унга суянмоғи, назорат қилмоғи, тарбияламоғи зарур, шунда у ўзининг ҳаёт йўли ва комиллик сари интилишларининг оқибатли, хайрли, омадли кечишини тушуниб етади. Навоийнинг сабот ҳақидаги фикрлари бизга Алишер Навоий раҳнамолигида фаолият кўрсатган Ҳирот сарой кутубхонасида тайёрланган Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» асарида берилган сабот ҳақидаги 14-бобни ва шу бобда тамсил қилинган байтни ёдимизга туширади:

Иш биносин сабот узра сол, эмин бўл,
Ҳар иморатки тушар асл уза бўлғай маҳкам.

Навоийнинг тоғ билан боғлиқ образлари, поэтик ифодалари бошқа образлари қатори ҳаётни, турмушни, руҳий оламни, табиатни акс эттиришнинг бир шакли ёки кўриниши, шоир баён усулининг образли намуналаридир. Шундай экан, бу образлар Навоий даврида қандай мазмун ва қадр-қимматга эга бўлган бўлса, бизнинг давримизда ҳам шундай моҳият ва қимматга эга.

Буробия РАЖАБОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими

Юнусобод тумани ҳокимининг

ҚАРОРИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДА 2015 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2015 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Юнусобод туманида 2015 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техникаси воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техниканинг ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Юнусобод туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Ж.Набиев) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Юнусобод туман тармоқ администратори (А.Абдумаликов):

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва www.yunusobod.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Туман ҳокимининг 2014 йил 10 январдаги «Юнусобод туманида 2015 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 28-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Халисов зиммасига юклансин.

Юнусобод тумани ҳокими
Ш.Азимджанов

2015 йил 13 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 9

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
7.30 «Замин ғаройиботлари». Х/ф.
8.00 «Таҳлилнома».
8.40 «Чимилдиқ». Б/ф.
9.55 А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.
10.20 «Руҳшунос». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
13.50 «Истиқлол солномаси».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Ҳидоят сари».
14.45 Миллий сериал: «Қисмат битиги».
15.25 «Сайёралар». Х/ф.
15.50 «Ўзбекистон – умумий уйимиз».
16.10 «Заковат».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Суҳбатдош».
17.20 «Агроолам».
17.40 «Қорачиқ».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.15 «Иқлим».
18.20 «Имконият».
18.40 «Доктор Хаус». Т/с.
19.25, 20.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Муқаддас ришталар». Т/с. Премьера.
20.40 «Сўз мулкининг султони».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муносабат».
22.20 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.35 – 00.15 «Алишер Навоий». Б/ф.
00.15 «Сўз мулкининг султони».
00.35 А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Қисмат битиги».
2.10 «Шарқ тароналари».
2.20 ТелеТеатр: «Оқибат». 1-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
5.10 – 5.55 «Ватанпарвар».

Ёшлар
6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Жийда гули». Т/с.
7.30 «Ёшлик наволари».
7.50 «Қасоскор замин». Т/с.
9.10 «Афсона ва ҳақиқат».
10.00 «Камолот-инфо».
10.10 «Вельвет галереяси». Т/с.
11.00 «Нуқтаи назар».
11.40 «Юрт келажаги».
12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
12.50 «UzEX».
13.00 «Давр».
13.10 «Ўнта негр боласи». Б/ф. 1-қисм.
14.20 «Навоийга таъзим».
15.00 «Мўъжизавий дунё».
16.00 «Давр».
16.10 «Афсунгар». Т/с.
17.00 «Камолот-инфо».
17.10 «Соғлом ҳаёт».
17.30 «Ишқ уммони». Б/ф. 1-қисм.
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Сарой жавоҳири». Т/с.
20.20 «Навоий набиралари».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Вельвет галереяси». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Даҳолар». Т/с.
23.20 «Афсона ва ҳақиқат».
00.10 «Нуқтаи назар».
00.50 «Навоийга таъзим».
1.30 «Хамсахонлик кечаси».
3.00 «Камолот-инфо».
3.10 «Тараннум».
3.50 «Мўъжизавий дунё».
4.40 «Доктор Куинн». Т/с.
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент
05.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
06.00, 08.00, 12.00, 16.00, 18.00, 02.00 «Poytaxt».
06.25 Миллий сериал: «Ҳаёт жилғалари». 21-қисм.
06.55 «Навоий маҳзани».
07.00 «Тошкент вақти».
07.50 «Суратларда ҳаёт акси».
07.55 «Ишга марҳамат!»
08.25 «Пойтахт-культура».
08.40 «Мисли гавҳар».
08.55 «Пойтахт-эко».
09.05 «Лус Мария». Т/с. 44-қисм.
09.50 «Poytaxt-sport».
10.00, 14.00, 22.00 «Пойтахт». /Рус тилида/.
10.20 «Конфуций». Х/ф.
12.10 «Все тайны космоса-1». Д/ф.
13.00 «Тошкент вақти».
13.50 «Poytaxt-reportaj».
14.10 «Тақдирлар».
14.40 «Кадр ортида».
15.00 «Poytaxt-biznes».
15.10 «Интиқом». Т/с. 15-қисм.
15.50 «Poytaxt-sport».
16.10 «Тоҳир ва Зуҳра». Б/ф.
17.40 «Фан ва тараққиёт».
18.25 «Бахт кўрғони».
18.50 «Poytaxt-intervyu».
19.00 «Лус Мария». Т/с. /Премьера/. 45-қисм.
19.45 «Телемаркет».
19.55 «Навоий маҳзани».
20.00 «Poytakht news».
20.20 «Пойтахт шаҳарлар».
20.25 «Интиқом». Т/с. /Премьера/. 16-қисм.
21.10 «Кўнгил ҳайратлари».
21.40 «Poytaxt-eko».
21.50 «Телемаркет».
22.20 «Солист». Х/ф.
00.05 «Шаг за шагом».
00.35 «Саломат бўлинг!» тележурнали.
01.00 «Poytaxt-eko».
01.10 «Все тайны космоса-1». Д/ф.
02.25 «Муҳаббат фаввораси». Б/ф.
03.50 «Poytaxt-biznes».
04.00 «Тошкент вақти».
04.50 «Дунё» теледастури.
05.40 «Фан ва тараққиёт».

Спорт
6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Қорақалпоқ спорти».
6.25 АНОНС.
6.30 «Орзулар кемаси».
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Sport Meteo».
8.35 Интерфутбол.
10.15 АНОНС.
10.20 «Куч бирликда».
10.50 АНОНС.
11.00 «SPORT REPORT».
11.10 «Интеллектуал триатлон».
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 «Шоҳсупага йўл».
15.00 АНОНС.
15.05 Футбол. Африка миллатлар Кубоги. Финал.
16.50 АНОНС.
16.55 Теннис. ATP/WTA турнири.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Спорт сайёраси».
18.20 «Техно-спорт».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Жозиба».
19.15 АНОНС.
19.20 Дзюдо. Ўзбекистон чемпионати.
20.30 АНОНС.
20.35 «Футбол шарҳи».
21.25 «Спорт-маркет».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 Интерфутбол.
23.35 АНОНС.
23.40 «Техно-спорт».
23.45 АНОНС.
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 Гандбол. Жаҳон чемпионати.
2.35 АНОНС.
2.40 Трамплиндан сакраш. Жаҳон Кубоги.
3.40 Тоғ чанғиси. Жаҳон чемпионати.
4.45 АНОНС.
4.50 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

Первый канал
04.00 «Доброе утро»
07.00 08.00 11.00 17.00 23.15 02.00 Новости
07.05 «Поле чудес»
08.10 Контрольная закупка
08.35 «Жить здорово!»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.15 «Сегодня вечером»
13.05 Смак
13.35 14.15 23.30 «Время покажет»
14.00 Новости
15.15 02.55 «Мужское/Женское»
16.10 «Наедине со всеми»
18.00 «Давай поженимся!»
19.00 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Выстрел»
22.20 «Познер»
00.15 «Наедине со всеми»
01.05 Модный приговор
02.05 «Евгения Добровольская. Все было по любви»

Россия
03.00 «Утро России».
07.00 «Роковые числа. Нумерология».
07.55 «О самом главном». Ток-шоу.
09.00 Вести.
09.35 Местное время. Вести-Москва.
09.55 Анна Ковальчук в детективном телесериале «Тайны следствия».
10.55 «Особый случай».
12.00 Вести.
12.30 Местное время. Вести-Москва.
12.50 Вести. Дежурная часть.
13.00 Анна Большова, Татьяна Казючиц, Анатолий Лобоцкий и Владимир Гостюхин в телесериале «Гадание при свечах».
14.00 Премьера. Зоряна Марченко, Александр Суворов, Александр Мохов, Армен Джигарханян, Игорь Петренко, Юрий Беляев и Сергей Векслер в телесериале «Последний янычар».
15.00 Вести.
15.10 Местное время. Вести-Москва.
15.30 Вести.
16.15 «Прямой эфир».
17.35 Местное время. Вести-Москва.
18.00 Вести.
18.50 «Спокойной ночи, малыши!».
19.00 Русская серия. Премьера. Олеся Фаттахова, Станислав Бондаренко, Анатолий Лобоцкий, Владимир Литвинов и Алена Яковлева в телесериале «Верни мою любовь».
22.55 Премьера. «Прошу вашей руки и генов».
23.55 Ночной сеанс. Вячеслав Тихонов, Юрий Соломин, Вахтанг Кикабидзе, Алексей Петренко, Леонид Куравлев, Борис Клюев, Георгий Юматов и Ивар Калныньш в телесериале «ТАСС уполномочен заявить...». 1984г. 7–8-я серии.

НТВ
03.00 НТВ утром
05.10 Дело врачей
06.00 Т/с «Возвращение Мухтара»
07.00 Сегодня
07.20 Т/с «Возвращение Мухтара»
09.00 Суд присяжных
10.00 Сегодня
10.20 Суд присяжных. Окончательный вердикт
11.30 Чрезвычайное происшествие
12.00 Прокурорская проверка
13.00 Сегодня
13.20 Т/с «Свет и тень маяка»
15.00 Говорим и показываем
16.00 Сегодня
16.45 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
19.40 Анатомия дня
20.30 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
21.30 Т/с «Пятницкий»
22.25 Д/ф «Настоящий итальянец»
23.15 Судебный детектив
00.10 Дикий мир
00.40 Т/с «Версия»
02.15 Т/с «ЧС – чрезвычайная ситуация»

СЕШАНБА, 10

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
7.30 «Замин ғаройиботлари». Х/ф.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Қутб ҳукмдори». Х/ф.
9.30 «Суҳбатдош».
9.40 «Самарқанд нонлари».
10.00 «Сўз мулкининг султони».
10.20 «Руҳшунос». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.45 «Табиат мўъжизаси». Х/ф.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
13.50 «Фусункор қиш».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Менинг боғим».
14.35 Миллий сериал: «Қисмат битиги».
15.15 «Имконият».
15.35 «Ер сайёраси». Х/ф.
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Тараққиёт таянчи».
16.30 «Ахборот» /инглиз/.
16.40 «Қорачиқ».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Фуқаро муҳофазаси – шарафли бурч».
17.30 «Иқлим».
17.35 «2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили». «Эъзоз».
17.55 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.10 «Қалб гавҳари».
18.40 «Доктор Хаус». Т/с.
19.25, 20.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Муқаддас ришталар». Т/с.
20.40 «Устурлоб».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Йўл». Ҳужжатли фильм.
22.15 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.30 – 00.00 «Жигарбандим ёди». Б/ф.
00.00 «Эъзоз».
00.20 «Менинг боғим».
00.40 «Устурлоб».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Қисмат битиги».
2.10 «Шарқ тароналари».
2.20 ТелеТеатр: «Оқибат». 2-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орзуси».
5.10 «Фусункор қиш».
5.20 – 5.55 «Йўл». Ҳужжатли фильм.

Ёшлар
6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Жийда гули». Т/с.
7.30 «Ёшлик наволари».
7.50 «Қасоскор замин». Т/с.
9.10 «Афсона ва ҳақиқат».
10.00 «Давр».
10.10 «Вельвет галереяси». Т/с.
11.00 «Шарқ гавҳари».
11.30 «Кушлар». Х/ф. 1-қисм.
12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
12.50 «UzEX».
13.00 «Давр».
13.10 «Ўнта негр боласи». Б/ф. 2-қисм.
14.20 «Ватанпарвар».
15.00 «Мўъжизавий дунё».
16.00 «Давр».
16.10 «Афсунгар». Т/с.
17.00 «Навоий набиралари».
17.30 «Ишқ уммони». Б/ф. 2-қисм.
18.50 «UzEX».
19.00 «Давр».
19.30 «Сарой жавоҳири». Т/с.
20.20 «Қишлоқдаги тенгдошим».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Вельвет галереяси». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Даҳолар». Т/с.
23.20 «Афсона ва ҳақиқат».
00.10 «Ош бўлсин!»
00.40 «Соғлом ҳаёт».
1.00 «Навоий набиралари».
1.30 «Жаҳон мусиқаси».
2.30 «Ватанпарвар».
3.10 «Тараннум».
3.50 «Мўъжизавий дунё».
4.40 «Доктор Куинн». Т/с.
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент
05.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
06.00, 08.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 02.00 «Poytaxt».
06.25 Миллий сериал: «Ҳаёт жилғалари». 22-қисм.
06.55 «Навоий маҳзани».
07.00 «Тошкент вақти».
07.50 «Суратларда ҳаёт акси».
07.55 «Ишга марҳамат!»
08.25 «Poytaxt-Hi-tech».
08.35 «Профессионал».
08.55 «Poytaxt-eko».
09.05 «Лус Мария». Т/с. 45-қисм.
09.50 «Poytaxt-sport».
10.00 «Poytakht news».
10.20 «Астерикс и Обеликс на Олимпийских играх». Х/ф.
12.10 «Сезонные моря». Д/ф.
13.00 «Тошкент вақти».
13.50 «Poytaxt-intervyu».
14.00, 22.00 «Пойтахт». /Рус тилида/.
14.10 «Эртамиз эгалари».
14.30 «Шаг за шагом».
15.00 «Poytaxt-biznes».
15.10 «Интиқом». Т/с. 16-қисм.
15.50 «Poytaxt-sport».
16.10 «Лаҳза». Б/ф.
17.40 «Холис назар».
18.25 «Дастур асосида».
18.55 «Суратларда ҳаёт акси».
19.00 «Лус Мария». Т/с. /Премьера/. 46-қисм.
19.45 «Телемаркет».
19.55 «Навоий маҳзани».
20.25 «Интиқом». Т/с. /Премьера/. 17-қисм.
21.15 «Телетаҳлил».
21.35 «Poytaxt-madaniyat».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Деньги на двоих». Х/ф.
00.05 «Бахт кўрғони».
00.30 «Дилбандим» тележурнали.
01.00 «Poytaxt-madaniyat».
01.10 «Сезонные моря». Д/ф.
02.20 «Тоҳир ва Зуҳра». Б/ф.
03.50 «Poytaxt-biznes».
04.00 «Тошкент вақти».
04.50 «Дунё» теледастури.
05.40 «Қонун доирасида».

Спорт
6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Халқ ўйинлари».
6.20 АНОНС.
6.25 «Кувноқ стартлар».
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 Интерфутбол.
9.55 Трамплиндан сакраш. Жаҳон Кубоги.
10.55 АНОНС.
11.00 «SPORT REPORT».
11.10 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 АНОНС.
13.05 «Футбол шарҳи».
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Дзюдо. Ўзбекистон чемпионати.
15.30 «Эътироф».
15.40 АНОНС.
15.45 Тоғ чанғиси. Жаҳон чемпионати.
16.50 «Биласизми?»
16.55 Теннис. ATP/WTA турнири.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Спорт сайёраси».
18.20 «Техно-спорт».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Ифтихоримсан, спорт!»
19.10 «Осиё футболи».
19.30 Дзюдо. Ўзбекистон чемпионати.
20.50 АНОНС.
20.55 «RING».
21.25 «Спорт-маркет».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 Гандбол. Жаҳон чемпионати.
23.05 Фристайл. Универсиада.
23.45 «Техно-спорт».
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Баскетбол.
1.25 АНОНС.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Тоғ чанғиси. Жаҳон чемпионати.
3.05 Футбол. Африка миллатлар Кубоги. Финал.
4.45 АНОНС.
4.50 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

Первый канал
04.00 «Доброе утро»
07.00 08.00 11.00 22.55 Новости
07.05 «Пусть говорят»
08.10 Контрольная закупка
08.35 «Жить здорово!»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.15 Т/с «Выстрел»
13.05 Смак
13.35 «Время покажет»
14.00 Новости
14.15 «Время покажет». Продолжение
15.15 «Мужское/Женское»
16.10 «Наедине со всеми»
17.00 Вечерние новости
18.00 К 100-летию актера. «Владимир Зельдин. Страсти Дон Кихота»
19.00 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Выстрел»
22.20 «Вечерний Ургант»
23.05 «Структура момента»
00.05 «Наедине со всеми»
00.50 «Время покажет»
01.35 Модный приговор
02.00 Новости
02.05 Модный приговор. Продолжение
02.35 «Мужское/Женское»
03.25 Контрольная закупка

Россия
03.00 «Утро России».
07.00 Премьера. «Владимир Зельдин. Кумир века».
07.55 «О самом главном». Ток-шоу.
09.00 Вести.
09.35 Местное время. Вести-Москва.
09.55 Анна Ковальчук в детективном телесериале «Тайны следствия».
10.55 «Особый случай».
12.00 Вести.
12.30 Местное время. Вести-Москва.
12.50 Вести. Дежурная часть.
13.00 Анна Большова, Татьяна Казючиц, Анатолий Лобоцкий и Владимир Гостюхин в телесериале «Гадание при свечах».
14.00 Премьера. Зоряна Марченко, Александр Суворов, Александр Мохов, Армен Джигарханян, Игорь Петренко, Юрий Беляев и Сергей Векслер в телесериале «Последний янычар».
15.00 Вести.
15.10 Местное время. Вести-Москва.
15.30 Вести.
16.15 «Прямой эфир».
17.35 Местное время. Вести-Москва.
18.00 Вести.
18.50 «Спокойной ночи, малыши!».
